Кийимни қайириш

Савол: Дарҳақиқат, саҳиҳ суннатда кийимни қайиришдан қайтарув ворид бўлган. Бундан қасд қилингани нима?

Жавоб: Саҳиҳайнда Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: ***«Етти суякда сажда қилишликка ҳамда кийим ва сочни йиғмасликка буюрилдим»*** (Бухорий (1/196) ва Муслим (1/354)). (Ҳадисдаги) йиғиб олишликдан қасд қилингани: намоз ўрнига тегмаслиги учун тўплаб, йиғиб олишликдир.

Тавфиқ Аллоҳдандир. Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммадга, у кишининг аҳли оилалари ва саҳобаларига саловату саломлар йўлласин.

Илмий Тадқиқотлар ва Фатво Бериш Доимий Қўмитаси, Фатво № 5133-5.

Раис: Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Боз
Раис ноиби: Абдурраззоқ Афифий
Аъзолар: Абдуллоҳ ибн Ғудайён ва Абдуллоҳ ибн Қаъуд

Манба: Тавҳид форуми